Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 19 октябрь, шанба • № 83 (10.858) • Эркин нархда сотилади

ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ



• *Музей очилиши тантанаси пайти. Музейнинг ички кўриниши.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Рустам ШАГАЕВ, Муҳаммад АМИН олган суратлар. (ЎзА).

Мустақиллигимиз шарофати билан елкамизга офтоб тегди. Ўзлигимизни, не буюк зотларнинг вориси эканлигимизни, теран тарихимизни англай бошладик. Бой маданий меросимиз халқ мулкига айланмоқда. Миллий қадриятларимиз кўнглимиз уйини, онгу шуурримизни чароғ янглиғ ёритиб турибди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, айтиш лозимки, жасорати билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарилиши, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли ишларнинг юксак нуқтаси — гултожи бўлди. Яхшининг шарофати билан деганларидек, юбилей боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улуғ тўй кунлари етиб келди. Ҳар бир ватандошимиз тилида буюк бобокалонимизнинг азиз номи такрор-такрор зикр этилмоқда. Шу кунларда бобомизнинг авлодлар эъзози ва эҳтиромидан шод ва миннатдор руҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрган бўлса, не ажаб...

ТОШКЕНТ

Соҳибқирон юбилейи қутлуғ маросим — пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиши билан бошланди.

18 октябрь — муборак жумъа тонги. Музей ҳовлиси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жамоатчилик вакиллари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум.

Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси Муфти Мухтор Ҳожи Абдуллаев фотиҳаси билан хайр-эҳсон учун келтирилган қўйлар сўйилиб, шаҳримиздаги меҳрибонлик уйларига — болаларга инъом этилди. Бу халқимизнинг қадимий саховатпешалик анъаналари давом этиб келаётганидан далолатдир.

Соҳибқирон доимо олиму уламоларга, дин пешволарига, фозилу ижод аҳлига беқиёс ҳурмат кўрсатган. Масжиду мадрасалар қурдирган. Амир Темур руҳларига бағишлаб Қуръони каримдан оятлар ўқилиб, дуои фотиҳа қилинади. Удумларимизга биноан меҳмонларга ош тортилади, мумтоз қўшиқлар ижро этилади.

Карнай-сурнай садолари музей очилишига бағишланган тантанали маросим бошланишидан дарак беради.

Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишига бағишланган тантанали митингни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва осори-атиқалар билан тўлдирилгани буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканини таъкидлади.

Юртбошимиз рамзий лентани қирқади. Музей очиқ деб эълон қилинади.

Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати аъзолари музей экспонатлари билан танишдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи жаҳон андозалари талабига мос даражада ниҳоятда тезкорлик билан ишга туширилди. Бу иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Музей қурилишида бутун республикамиздан мутахассислар қатнашди. Бунёдкорлик ишларини бажаришда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари, Тошкент чинни ва керамика, «Миконд» заводлари, «Усто» корхонаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоаларининг фидойилари муносиб ҳисса қўшдилар. Зумрад рангида товланиб турган улкан гумбазни эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамияти мутахассислари тайёрлаб берди. Натижада буюк бунёдкор, илм-фан, санъат ҳомийси Амир Темур салтанатининг шукуҳига мос келадиган муаззам меъморчилик асари бунёд этилди.

Шундан сўнг Президентимиз Амир Темур хиёбонида-

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

• ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ***

САВОЛ. Ислом Абдуғаниевич! Кейинги пайтда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётдаги демократик бозор янгиланишлари бузиб кўрсатилаётгани, нохолис ёндашилаётганига муносабатингизни билмоқчи эдик...

ЖАВОБ. Бу саволга жавоб бериш учун СССР барбод бўлганидан кейин бу ҳудудда юзага келган икки асосий муаммога тўхталиш лозим.

Биринчидан, эски тузум соғинчи азоб бераётган ҳамда собиқ иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш истаги билан яшаётган Москвадаги айрим сиёсатчилар ва уларга хизмат қилаётган матбуотга бугунги кунда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Ўзбекистоннинг мустақил йўли тинчлик бермаяпти.

Улар ўтмиш қолипидан, салтанат даъвосидан, бугунги кунда ҳам ўзларининг собиқ шўролар ҳудудидаги мустақил давлатлар билан муносабатини оға ва ини ақидасига мослаб қуриш, эски, уларнинг тушунчаси бўйича яхши даврлардаги сингари, ҳамма нарсани марказдан туриб ҳал қилиш истагидан қутула олишмаяпти.

Айнан мана шу кайфият айрим «мустақил» деб аталмиш газеталарда бирёқлама мақолалар чиқишига сабаб бўлаётир.

Эртами-кечми, барибир бу касалдан фориғ бўлишга тўғри келади. Бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Бундан ҳамма манфаат кўради.

Биз эса, катта-кичик давлатлар, катта-кичик халқлар бўлмайди, балки халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бор ҳамда улар бир-бирини ҳурмат қилиши керак, деган ақидадан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар ва халқлар билан муносабатимизни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосга қуришни истаймиз.

Биз барча узоқ ва яқин қўшниларимиз, биринчи навбатда демократик кайфиятдаги Россия билан, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган рус халқи билан яхши муносабатда бўлишга интиламиз.

Бизнинг сиёсатимиз энг аввало ана шу ақидалар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига асосланган ҳолда шаклланиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўролар ҳудудидаги кўпгина давлатлар бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушгани, айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Энг аввало оддий кишиларнинг оғир аҳволга тушиб қолгани, ислоҳотларнинг дастлабки пайтида ўжарлик билан ўтказилган «фалаж қилиб даволаш» деб ном олган жараённинг натижаси бўлиб, бундай оқибат одамларда норозилик туғдирмоқда. Ваъдалар ваъдалигича қолиб, барқарорлик ўрнатилиши ва оғир вазиятдан чиқиб олишнинг янги-янги муддатлари охири кўринмаяпти.

Бундай аҳволни оқлашнинг кенг тарқалган изоҳи — бугунги аҳвол бозор иқтисодиётига ўтиш, эски ижтимоий муносабатларнинг парчаланиши жараёнининг муқаррар натижаси, деган гап бўлиб қолди. Собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатлар бошидан кечираётган муқаррар фалокат, гўё СССР барбод бўлганидан кейин иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг узилгани оқибати эмиш.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларни, халқ тафаккур тарзини чуқур билиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидан ишонч билан, дадил бораётгани, бу йўлнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлиги умумий манзарага «қовушмай» турибди.

(Давоми 3-бетда).

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жумъа тонгида Оллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, унинг таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб, дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлгусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлгай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, **буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади,** дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини **«Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат»** деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — чиғатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқсиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан 6 аср ўтиб, худди шундай қўрғуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Бобомиз жаннатмакон қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёна билан очилаётган темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

КИМКИ ЎЗБЕК НОМИНИ, ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИНИ, АДОЛАТПАРВАРЛИГИНИ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, УНИНГ УМУМБАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ, ШУ АСОСДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧНИ АНГЛАМОҚЧИ БҲЛСА, АМИР ТЕМУР СИЙМОСИНИ ЭСЛАШИ КЕРАК.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизнинг, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнггги онларида ҳам зурриётларига қарата **«Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз»** деб васият қилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинглар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: **«Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин»** деган доно ўгитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тиклангган улуғ аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

ХИРМОНГА БАРАКА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 октябргача бўлган маълумот (фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун— мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	0,57	71,30
Ўртачирчиқ	0,45	69,88
Бўка	0,40	67,59
Қуйичирчиқ	0,17	64,24
Юқоричирчиқ	0,50	63,69
Чиноз	0,61	62,58
Янгийўл	0,20	60,47
Бекобод	0,49	54,75
Пискент	0,20	50,44
Вилоят бўйича	0,40	63,30
1995 йилда бўлган эди	0,15	85,38

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Азиз муштарийлар!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Обуна бўлиш чакана савдода харид қилишга нисбатан иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги, қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Обуна бўлувчилар учун индекс — 64672

Обуна баҳоси:
бир йилга — 940 сўм
ярим йилга — 470 сўм
уч ойга — 235 сўм.

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана аллодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бирбиридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли ҳаробаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар қўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму-кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига таннолар айтамиз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд **ер юзининг сайқалига** айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг ҳоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугуни ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намоёндаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшяпти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюклик ва даҳолик қудрати мужассам бўлган, Оллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкатини оширишдаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шаҳримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё турғунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, ориятли баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намоёндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Ҳусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донгини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам ҳоки поклари билан мукаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганила, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида **«Илму адаб қуббаси»** дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқиронинг улуғвор хайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор. Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: **«Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».**

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: **«Қай бир жойдан бир ғишт олсам ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».**

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: **«Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».**

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карами улуғ оллоҳ халқимизга, ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, **кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.**

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур хилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

Кошона пойгоҳида

УНИНГ РУҲИ ДУНЁ КЕЗАДИ

...ДУНЁНИ ҳали-ҳанузгача ҳазрат Амир Темур қурдирган бинолар, обидалар, шаҳарлар мафтун этиб, ҳайратга солиб келмоқда. Уларни, ҳеч бўлмаса, бир бора кўриш орзусида юрганлар қанча. Пойтахтимизда бунёд этилган «Темурийлар тарихи» давлат музейини кўрар эканмиз, беихтиёр ҳақиқат, буюк Темур ва темурийларнинг анъаналари оз эмас, кўп эмас, 660 йилдан сўнг қайтиб келгандек туюлди...

Ҳа, юртимизда катта тўй! Халқимиз бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонламоқда. Кеча кундан-кунга яшариб бораётган пойтахтимизда қисқа фурсатда — ниҳоятда тезкорлик билан бунёд этилган «Темурийлар тарихи» давлат музейининг очилиш маросими билан катта тантаналар бошланиб кетди. Ўзининг салобати, кўрки билан пойтахт чиройига янги, беқиёс чирой қўшган бу кошонани таърифлаш қийин. Унинг очилиш маросимида республикамизнинг раҳбарияти, жамоатчилиги, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этдилар. Биз шу куни ушбу тантанада иштирок этган бир қатор вилоятимиз вакиллари билан суҳбатлашдик:

Жўра ХОНАЗАРОВ — Қибрай тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси: — Очиғи, мен бирон бир сўз айтишга ожизман. Бундай ҳолга илк марта ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 30 августида Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилганда тушган эдим. Чунки, ўша пайтда бу Президентимиз томонидан кўрсатилган чинакам мардоналик эди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида буюк бобокалонимиз Амир Темур шарафига мана шундай кошонанинг бунёд этилиши иккинчи жасоратдир.

Минг қатла шукур!.. Шундай кунларга етиб келдик. Мамлакатимиз ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, олға бормоқда. Юртбошимиз ўзининг ишлари, саъи-ҳаракатлари билан ҳақиқий Амир Темур вориси эканлигини исботламоқда. Мен юртдошларимизга бу муҳташам саройни, албатта, кўришни ва шундай улуғ зотларнинг авлоди эканлиги билан фахрланишларини истаб қоламан.

Георгий СИДАКОВ — Янгиободдаги «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати: — Мен ярим асрлик Ўзбекистондаги ҳаётим, меҳнат фаолиятим давомида бундай катта тантана, буюк воқеани кўрмаган эдим. Сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, Амир Темурга кўрсатилган ҳурмат ва бунёд этилган бу музей ўзбек халқининг аслида ким ва қандай халқ эканлигини бутун дунёга кўрсатди.

Мен шу юртнинг фуқароси, халқ депутати сифатида бугун жуда-жуда мамнунман. Зеро, ҳар бир давлат ва халқнинг ўз ўрни бор. Ўзбекистон халқи ўзининг буюк тарихи ва келажаги билан фахрланса арзийди.

Ҳайдар БОБОХОНОВ — Юқоричирчиқ тумани марказий шифохонаси бош шифокори: — Президентимиз музей очилишига бағишлаб сўзлаган нутқларида: «Бу кун тарих олдида буюк кун бўлиб қолади», дедилар. Дарҳақиқат, бу кун ўзбек халқининг узоқ йиллар биздан яшириб, топталиб, таҳқирланиб келинган буюк тарихнинг тикланиш тантанаси бўлди.

Тўғрисини айтсам, музейнинг эшигидан кирган онда энтикиб кетдим. Кўзимда ёш қалқди. Бинонинг қурилиши, ундаги кўргазмалар, тарихий обидалар бизнинг ким эканлигимизни кўрсатиб турипти. Айтишади-ку, тарихи буюк юртнинг келажаги ҳам буюк бўлади, деб. Мен аминман. Буюк бобокалонимизга кўрсатилаган бу ҳурмат-эҳтиром бизни янги манзиллар сари етаклайди.

Ёқубжон ТУРСУНОВ — республика «Камолот» ёшлар жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси: — Президентимиз кўп бора «Амир Темурни англаш ўзлигимизни англашдир» деб айтдилар. Ҳақ гап. Бу музей бизга ана шу ҳақиқатнинг мағзини чуқурроқ англашга хизмат қилади. Мен музей билан танишиб, шунга амин бўлдимки, ёшларимиз буюк тарихимизни, Амир Темурдек алломаларимизнинг элюрт равнақи йўлида қилган ишларини атрофлича ўрганиш учун ҳали кўп ўқишлари, ўрганишлари керак.

«Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими бутун вилоят ёшларини бу музей билан чуқурроқ таништириш учун махсус режа ишлаб чиқди. Яқин кунларда барча туман ва шаҳарлардан ёшларимизни бу музейга олиб келамиз.

...Ҳа, бугунги тадбирга ташриф буюрган ҳар бир кишининг қалбида, шуурида ана шундай беқиёс ҳаяжон тўлқинлари бор эди. Уларнинг нигоҳларида, чеҳраларида, кўзларида она-ватанимиз, муқаддас юртимиз, истиқлолимиз, истиқболимиз учун фахрланиш, ғурурланиш ҳис-туйғуларининг жилоланаётганлигини кўриш нақадар таъсирчан эди. Қуръони Каримнинг майин ва мукаррам оятлари янграётган беқиёс гўзал кошона узра, пойтахтимиз — Тошкент узра, мамлакатимиз — Ўзбекистон узра буюк бобомиз Амир Темурнинг оппоқ маъвога йўғрилган руҳлари парвоз этиб учарди. Мамнунлигидан, масрурлигидан, хурсандлигидан кўзларида халқа-халқа ёш билан етти иқлим соҳиби бўлган зот ўзининг авлодларига, порлоқ келажак сари ўз халқини етаклаб бораётган мамлакат юртбошисига, каттаю-кичик, ҳамма-ҳаммага Оллоҳ таолодан энг эзгу тилаклар тилаб дуо қилдилар... Одамлар олампаноҳ Соҳибқиронинг муборак товушларини аниқ-тиниқ эшитгандай бўлдилар... «ОЛЛОҲУ АКБАР!»..Улуғ бобомиз Амир Темур таваллудига бағишланган тўй жаннатмакон заминимиз бўйлаб одимламоқда.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими бошлиғи: — Амир Темурнинг маданиятимиз, маънавиятимизни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Назаримда пойтахтимизда очилган бу музей унинг ва темурийзодаларнинг шон-шуҳратини намойиш этиш билан бир қаторда уларнинг илм-фан, маърифат ва маданиятни ривожлантиришдаги юксак хизматларини акс эттиришга хизмат қилади.

Бу музей ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Қўйилган ёдгорликлар, осори-атиқалар мажмуи тарихимиз илдизлари нақадар чуқурлигини кўрсатади. Биз маърифат, маданият ходимлари булар ҳақида халқимизга кўпроқ маълумотлар беришимиз керак. Мен музейдан ана шундай катта эҳтирос ва таассуротлар билан қайтяпман.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НИШОНЛАМОҚДА

17 октябрь куни Бекобод шаҳрида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган вилоят тантанаси бўлиб ўтди

БУГУН — Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан унинг нигоҳи тушган, пойқадами етган қадамжолар таъмирланди, зиёратгоҳларга айланди. Бугун — соҳибқиронинг руҳи, ҳеч муболағасиз, дунё кезмоқда. Юртимизнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир фуқароси қалбига кириб бормоқда. Бундан бир йил муқаддам мамлакатимизда бошланган Амир Темир таваллудининг 660 йиллиги тантаналари тобора кенгайиб бормоқда.

Бу қутлуғ санани Тошкент вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб нишонламоқдалар. Зеро, Тошкент вилоятида ҳам соҳибқирон қадами етган, обод бўлган жойлар кўп. Оҳангарон воҳаси, Зангиота, Пискент, Чиноз туманларидаги кўп бинолар, йўллар ана шу тарихнинг тирик гувоҳларидир. Шунинг учун ҳам бу жойларда бўлиб ўтган тантаналар ўзига хос мазмун кашф этди. Шунингдек, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида, Тошкент, Пискент туманлари ва бошқа шаҳар-қишлоқларда ташкил этилган йиғинлар Амир Темурнинг юртимиз равнақи йўлида унинг маданияти, санъати, меъморчилиги ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини халқимиз қалбига чуқур сингдирди.

17 октябрь куни Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган вилоят тантаналари ана шу тадбирларнинг энг каттаси бўлди.

Тадбирни Бекобод шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддинов очди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлимининг бошлиғи Раҳматилла Шералиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг масъул котиби Шарифа Салимова, таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бўлим мудири Турсуной Содиқовалар сўзга чиқиб, соҳибқироннинг буюк мамлакатни бунёд этиш йўлидаги хизматлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Ўзларининг соҳибқиронга бағишланган янги шеърларини ўқидилар.

Тадбирга Бекобод металлургия комбинати бадиий ҳаваскорлик дастаси ҳамда Рўзикуловларнинг оилавий дастаси ижро этган куй ва қўшиқлар янада файз киритди.

Вилоятимизда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Булар ҳақида таҳририятимизга ҳар куни кўплаб хушхабарлар келиб турипти.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ги соҳибқирон хайкали пойига гул қўяди.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи очилишига бағишланган тантаналар кун бўйи давом этди. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг музей билан танишуви бошланди.

● Тошкентда музей очилиши тантанаси пайти.

САМАРҚАНД

Бу кўҳна шаҳар ва Амир Темур номи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк марказлашган давлат барпо этган соҳибқирон уни ўз мамлакатининг пойтахти қилган, унинг довруғини бутун дунёга таратган эди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асосий тантаналарнинг бу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Шу кунларда Самарқанд ўзгача шукуҳ ва гўзаллик касб этган. Шаҳар жамоатчилиги буюк бобокалонимиз тўйига пухта тайёргарлик кўрди. Ўнлаб тарихий обидалар таъмирланди, соҳибқирон номи билан боғлиқ қадамжолар обод қилинди, янги иншоотлар қурилди.

Бугун республика Президенти Ислом Каримов Самарқанд шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Президент Ислом Каримовни вилоят ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Машиналар кортежи шаҳарнинг юбилей арафасида бунёд этилган Амир Темур майдони сари йўл олади. Майдон байрамона безатилган. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг Амир Темур ордени билан мукофотланишини қутловчи алвонлар хилпираб турибди. Майдонга шаҳар меҳнат жамоалари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда вилоятнинг барча туманларидан келган меҳмонлар йиғилган.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишилар майдонга кириб келадилар. Улар Амир Темур ҳайкали томон йўл оладилар. Президент рамзий лентани қирқади. Йиғилганлар кўз ўнгида Муаффар Амир Темурнинг салобат тўкиб тахтда ўтирган сиймоси намоён бўлади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов ҳайкал пойига гулчамбар қўяди. Самарқанд вилояти, шаҳри ҳокимликлари ва меҳнат жамоалари вакиллари ҳам буюк бобокалонимизга ҳурмат бажо келтириб, ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

Қутлуғ тўй арафасида республика Президенти Ислом Каримов Фармонига кўра Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. Бу ерда ана шу юксак мукофотни топшириш ва Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев очди.

Митингда юртбошимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Самарқанд аҳлини юксак мукофот билан қутлаб, соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли Амир Темур ордени топширилиши рамзий маънога эга бўлган тарихий воқеа эканлигини таъкидлади ва ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон қилиш таклифини айтди. Таклифни йиғилганлар қарсаклар билан маъқулладилар.

Майдонга Самарқанд шаҳри байроғи олиб кирилади. Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Ислом Каримов унга Амир Темур орденини қадаб қўяди.

Митингда сўзга чиққанлар Самарқанднинг юксак орден билан мукофотланиши шаҳарнинг ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи эканини мамнунлик билан қайд этдилар. Орадан олти аср ўтиб Амир Темур ўз пойтахтига қайтганини, мустақил Ўзбекистонимизда янги уйғониш даври кечаётганини таъкидлаб, маданият ва маънавиятни юксалтириш, тарихий қадриятларни тиклаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда эътибор ва ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Соҳибқирон хайкали очилиши ҳамда шаҳарга Амир Темур ордени топширилишига бағишланган анжуман билан Самарқандда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

Байрам шодиёналари, сайллари давом этмоқда.

ШАҲРИСАБЗ

Муборак юртимизнинг Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Шаҳрисабз соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги кечган, унинг илк зафарларига, қувонч ва ташвишларига гувоҳ маскандир. Бу қадимий шаҳар Ҳусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Улутбек, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб шеърият, фан даргалари, давлат арбоблари фаолиятига ҳам дахлдордир. Бироқ, юртимизнинг, унинг гўзал гўшаларидан бири бўлмиш Шаҳрисабзнинг довруғини оламга ёйишда, ватанимиз ободончилиги, маданияти ривожида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳиссаси ғоят беқиёсдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни Шаҳрисабзга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов, Шаҳрисабз шаҳри ҳокими А. Зайниддинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Автомашиналар карвони қадимий шаҳарнинг «Буюк ипак йўли» кўчаси бўйлаб Амир Темур номидаги майдон сари йўл олади.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар байрамона безатилган майдонга кириб келади. Майдоннинг қадим Оқсарой рўпарасидаги марказида Амир Темурнинг улуғвор хайкали ўрнатилган. Шуни таъкидлаш керакки, соҳибқироннинг Самарқандаги ва Шаҳрисабздаги ҳар иккала ҳайкалини ҳам таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган. Кўксингни ғурурга тўлдирувчи Ўзбекистон мадҳияси оҳанглари остида Президент Ислом Каримов рамзий лентани қирқиб, соҳибқирон хайкалини очади.

Амир Темур хайкали пойига Президент Ислом Каримов гулчамбар қўяди.

Шундан сўнг майдонда Шаҳрисабз шаҳрига «Амир Темур» ордени топширилишига бағишланган митинг бошланди. Митингни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов очди.

Митингда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади ва Шаҳрисабз шаҳри байроғига юксак орденни қадаб қўйди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Президентига тарихий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, боболаримиз номини улуғлаш борасида амалга ошираётган ишлари учун миннатдорлик билдирдилар. Соҳибқирон таваллуд топган юрт бўйлаб тантаналар ва халқ сайли бошланди.

* * *

Президент Ислом Каримовга Самарқанд ва Шаҳрисабз сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Шаҳрисабздан Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ХЎЖА,
Амиркул КАРИМОВ,
Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида чекинмасдан, аксинча, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олган сиёсат, кишиларни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, бозор ислоҳотларига хос, ҳақиқатан ҳам муқаррар бўлган қийинчилик ва камчиликларни иложи борича камайтириш, юмшатиш учун имконият даражасидаги ҳамма ишни қилишга қаратилган Ўзбекистон давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятнинг, ўзгалардан фарқли ўлароқ, мўътадил бўлиб турганига сабабчидир.

Собиқ шўролар ҳудудидаги давлатлар тараққиётининг кейинги беш йилдаги натижаларини олиб кўринг. Уларнинг аксарияти бугун барқарорликнинг эндигина белгиланаётган ёки кўзга ташланаётган куртаклари ҳақида жуда кўп гапирмоқда.

Лекин бу солиштириш ва қиёслаш қайси даврга нисбатан қилинмоқда? Маълум бўлишича, ўтган 1995 йилга нисбатан экан. Агарда оддий мантиқ тақозосига кўра, куртаклар деб айтилаётган ўша кўрсаткичларни ислоҳот бошланган 1990 йил билан қиёслаб кўрсак-чи, у ҳолда нимани кўрамиз? Амалда иқтисодиётнинг барча соҳасида 50-70 фоиз ўпирилишни кўрамиз. Ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ҳамда шунга биноан аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари бугунги кунда 60-70-йиллар даражасига тушиб қолгани маълум бўлади. Мана сизга ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати.

Айримларга ўхшаб, Ўзбекистоннинг мустақиллик ва суверенитет йилларида эришган ютуқлари ҳақида жар солишни истамас эдим. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда бундай ўпирилишларга йўл қўймадик.

МДҲнинг халқаро статистик қўмитаси эълон қилган объектив статистик кўрсаткичлар ҳам кўп нарсани айтиб турибди. Умумий ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти 1996 йилда 1990 йилдагига нисбатан камайгани йўқ. Аксинча, жуда кўп соҳаларда барқарор ўсиш таъминланмоқда.

Биз шу йиллар мобайнида иқтисодиётни мунтазам ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини, пойдеворини яратдик. Сармоя сарфлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ички сармоя ва хорижий сармоя ҳисобидан янги иншоотлар ва корхоналар қурилмоқда, янги илғор тармоқлар барпо этилмоқда. Таркибий қайта қуриш давом этмоқда. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, миллий валюта мустаҳкамланмоқда.

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шаклланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти — Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуқлари уларнинг ғашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо беришни мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқаришга, миллий қадриятларни таҳқирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэътироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқларининг бирлиги кифоя қилмайди, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу уйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

САВОЛ. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаётган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишган ҳолда бўлиши, ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта заҳирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз заҳиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва ғаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. **Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган.** Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

САВОЛ. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ. Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда, Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг биродаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Ўша вақтда айтилганидек, «ўз байналмилал бурчини бажариш», «халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун» совет қўшинлари чекланган қисмининг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган ғамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобуд бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва беадоқ ғам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж оляпти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар — улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ «жиҳод» ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ҳокимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдо-сотиқ қилишнинг хавфли манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида биродаркушлик урушининг тўхтатилишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усулларини нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмоқда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В. Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи экани ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

Биринчидан, ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир нарса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий, тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокаралар гина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларнинг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

АНҚАРАДА АМИР ТЕМУР БОҒИ

«ЖАҲОН» АХБОРОТ МАҲКАМАСИ ХАБАР БЕРАДИ: Туркиянинг Анқара шаҳрида Амир Темур номидаги истироҳат боғи тантанали равишда очилди. Тадбирни Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси ҳамда Кечиўрин тумани маъмурияти биргаликда ташкил қилдилар. Хотира жойини очиш маросимида Миллий ҳаракат партиясининг бош раиси А. Туркеш сўзга чиқиб, Амир Темурни «Бутун жаҳонга машҳур шахс», «Буюк давлат арбоби ҳамда истеъдодли соҳибқирон», «Фидойи маърифатчи ва илмфан ҳомийси» деб таърифлади. Истироҳат боғи очилганидан сўнг меҳмонлар бобокалонимиз давридагига ўхшаш ўтовга таклиф қилиндилар ва ўзбекона миллий таомлар билан сийландилар. Ўзбек артистлари ижросидаги катта концерт, мушакбозлик ва халқ сайли ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Кечиўрин тумани маъмурлари билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг навбатдаги ташрифигача мазкур ерда Амир Темурнинг ҳайкалини ўрнатиш борасида келишиб олинди.

Боғ очилиши маросимида Кечиўрин тумани маъмурияти раиси Т. Олтинўқ, Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчиси А. Абдураҳмонов иштирок этдилар.

ЭНДИ ИШОНСА БЎЛАРМИКИН?

ЯРИМ асрдан ортиқ вақт ўтибдики, Гитлернинг Германия миллий-социалистик партияси бўйича ўринбосари Мартин Борманнинг номи одамларнинг тилларидан тушмай келади. Гап шундаки, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан буён ҳанузгача унинг тирик ёхуд ўликлиги номаълум эди. Кимлардир уни ўлдига чиқарса, кимлардир унинг тирик эканлигига шак-шубҳа қилмадилар. Ҳарна бўлганда ҳам Гитлер яширинган бункердан ҳам М. Борманнинг жасади топилмаган эди. Нюренбергда бўлган халқаро ҳарбий трибунал рўйхатида ҳам унинг номи қайд этилмаган.

Яқинда Лондондаги китоб магазинлари дафъатан гавжумлашиб қолди. Сабаби — Жон Эйнсуорт —Дейвис деган шахснинг «Саймон ва Шустер» нашриётида чоп этилган янги асари сотувга чиқарилган эди. Ҳозир 72 ёшга кирган, иккинчи жаҳон уруши даврида Британия разведкаси ходими бўлган муаллифнинг эсдаликлари катта шов-шувга сабаб бўлди. Чунки, мўъжазгина китобча баайни юқоридаги Мартин Борман тақдирига бағишланган эди.

Ҳикоя қилинишича, Германия пойтахтидаги жанглар ниҳоясига етаётганда Жон Эйнсуорт — Дейвис Борманни қидириб топиш ва Англияга ўтказиб юбориш учун Берлин яқинига ташланган. Бу тадбир бош-вазир Уинстон Черчиллнинг тўла розилиги билан амалга оширилган.

Муаллиф шундай деб ёзади: 1945 йилнинг 1 майида М. Борман Шпрее дарёсида кемага ўтказилиб, шартлашилган жойга келтирилган. У ерда Мартин Британия разведкасининг бошқа ходими Флемингга топширилади. М. Борман Англияга келгач, унга истеъфодаги денгиз зобити деган ҳужжат тўғрилаб берилади. Шу тарика у Хэмпшер графлигидаги Даммер шаҳарчасида истиқомат қила бошлайди. Бир неча йилдан сўнг эса у бош вазир Антони Иден фармойиши билан чет элга чиқариб юборилади. Парагвай М. Борманнинг муқим манзилгоҳи бўлиб қолади. 1959 йилда у ўша ерда вафот этади.

Ж. Эйнсуорт — Дейвиснинг айтишича, унинг юқоридаги воқеаларни илгари ошкора этишга ҳаққи бўлмаган. Чунки, у эллик йил давомида сукут сақлаш хусусида шахсан Черчиллга ваъда берган экан.

Шундай қилиб, М. Борман тақдирига тааллуқли ўнлаб тахминлар энди чиппакка чиқдими? Ж. Эйнсуорт — Дейвис гапларига ишонса бўлармикин? Китобхонлар, йўқ, Борман ҳақида ҳали кўп гаплар бўлади, деган тахминларни айтмоқдалар.

ТАШКИЛОТ

ЗИЛ, ГАЗ-53, ГАЗ-24, МАЗ, КамАЗ автомобилларининг поршенлар гуруҳлари, тирсакли ўқлари, поршен халқалари ва бошқа эҳтиёт қисмлари, шунингдек Д-240нинг поршен халқаларини

сотади.

Мурожаат учун телефон: 56-02-13

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

• **ПОКИСТОН**, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон тўрт мамлакат ўртасидаги тижорат ишларини ривожлантириш мақсадида бирмунча муддат илгари ягона транспорт тизилмасини вужудга келтириш борасидаги аҳдномага эришган эдилар. Куни кеча Покистон «ойнаи жаҳони» мазкур йўл бўйлаб биринчи карвон шу ойда йўлга чиқади, деб эълон қилди.

• **РОССИЯДА** нима кўп партиялар, ҳаракатлар, уюшмалар кўп. Бу ерда куни кеча «Россия Коммунистик ва социалистик кучлари» (РКСК) ҳаракати деб аталган яна бир оқим вужудга келди. Россиянинг Коммунистлар партияси, Россия Коммунистик — ишчи партияси, Россия Коммунистик партияси — КПСС ва «Зобитлар иттифоқи» кабилар янги ҳаракатнинг асосини ташкил этдилар. Уларнинг мақсадлари — меҳнаткашлар ҳокимиятини тиклаш, президентлик бошқарувини йўқотиш, мулкни халққа қайтариш ҳамда СССРни «тирилтириш» эмиш. Ҳаракатнинг тўрт нафар ҳамраиси сайланди.

• **ТУРКМАНИСТОН** президенти Сапармурод Ниёзов Москвага ташриф буюрди. У президент Б. Н. Ельцин, бош вазир В. С. Черномирдин, ташқи ишлар вазири Е. Примаков билан учрашиб, қатор иқтисодий масалалар, хусусан, Туркманистон газини четга чиқариш муаммолари хусусида мулоқотлар олиб борди.

• **УРДУН** подшоси Ҳусайн бин Талол сўнгги 29 йил давомида биринчи марта Фаластин ҳудудига сафар қилди. Фаластин мухторияти раиси Ё. Арофат билан бўлган учрашувларда Яқин Шарқдаги вазият, хусусан, Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги муносабатлар тилга олинди.

• **КУНИ** кеча АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри Россия Федерацияси пойтахтига келди.

• **АҚШда** ўтказиладиган президентлик сайловларида ўз номзодларини қўйган Б. Клинтон ва Р. Доул «ойнаи жаҳон» орқали ўзларининг иккинчи босқичдаги телемунозараларини ўтказдилар. Шарҳчиларнинг фикрига қараганда Б. Клинтон бу сафар ҳам рақибидан устун келди.

ГАП ЙЎҚ, ҚАРЗЛАР ТЎЛАНАДИ

КЕЙИНГИ йилларда АҚШ БМТ олдида катта қарздор бўлиб қолганлиги боис қаттиқ танқидга учраб келаётган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг айни пайтда давом этаётган 51-сессиясида ҳам шундай бўлди.

Яқинда АҚШ давлат котибининг халқаро ташкилотлар иши бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Принстон Лайман АҚШ БМТ олдидаги қарзларини узишга астойдил киришганлигини маълум қилди.

Америка Қўшма Штатларининг БМТга қарзи оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, беш йил давомида 1 миллиард 567 миллион долларга етган эди. П. Лайманнинг гапларига қараганда, унинг мамлакати янаги йил январь ойи охирларигача ўзининг бутун қарзларидан қутулади. Тўловлар мажмуаси шу ой бошида Конгресс томонидан қабул қилинган бюджетда тўлиқ ўз аксини топди. Лекин, — деб таъкидлади у, — Америка Қўшма Штатлари БМТ таркибида ўтказиладиган ўзгаришларга катта умид боғлайди. Бу — маблағларни сарфлаш, БМТ ходимлари таркибини қисқартириш, нуфузли ташкилот бўлинмалари ишини такомиллаштириш, қолаверса, БМТнинг янги Бош котибини сайлаш масалалари билан боғлиқдир. Шу ойнинг охирида номзодларни муҳокама қилишга киришадиган БМТ Хавфсизлик Кенгаши алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатмоғи лозим.

• **БОЛГАРИЯДА** икки гуруҳ жиноятчилар қўлга олиндилар. Биринчи тўдадагилар полиция кийимида узоқ вақт турли жойларда қароқчилик қилиб келганлар. Бошқа гуруҳдагилар эса Россия ва беларуслик бўлиб, ўз ватандошларини автобус ва машиналарда «шилиш» билан шуғулланганлар.

• **ҲИНДИСТОН** кино юлдузи Амитах Баччаннинг шу кунларда бир сония ҳам бўш вақти йўқ. У қаттиқ олишувларда қўлга киритган ҳуқуқи — «Жаҳон гўзали» танлови тадбирини амалга оширишга ҳозирлик кўрмоқда. Бундай кўрик-танловни шу ойда Карнатака вилоятининг Бангалор шаҳридаги марказий ўйингоҳда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

НИМА?

• **ЛУБНОННИНГ** Ал-Фақих қишлоғида яшовчи 12 яшар Хасна ал-Муслим яқинларда ҳам тенгдошларига ўхшаш оддийгина қизча эди. Лекин, кейинги кунларда унинг ҳаёти тубдан ўзгарди. Ота-онаси, акалари билан турадиган Хаснанинг уйига шифокорлар, журналистлар, диндорлар тинмай тинда қўйиб қолишди... Сабаби — қизчанинг кўзидан оддий ёш эмас, балки, йиғлаганда ойна заррачалари думалаб тушади. Қаттиқ, ялтироқ, қиррадор заррачалар... Ал-Фақиҳга келган бир неча мутахассислар гуруҳи аъзолари ҳам бу ғайритабиий ҳодисани тушунтириб бера олмаётирлар.

ҚАЧОН?

• **ЎТГАН** ҳафтанинг охирида Хуршиди коинот — Куёш тутилди. У Америка минтақасининг шимоли-шарқида, Гренландия, Африканинг шимоли-ғарбида, Оврупо қитъасида, Атлантика уммонида яхши кузатилди. Табиатнинг бу ноёб ҳодисаси Канаданинг Лабрадор ярим ороли олдида соат 16 да бошланиб, 20.06 да Ўрта Ер денгизига туташ Ливия ҳудудларида тугади. Шундай қилиб, 1996 йилнинг ўзида тўрт бора «тутилиш» бўлди. 3 апрель, 27 сентябрда ой тутилиши, 17 апрелда эса қуёш тутилиши содир бўлган эди.

ҚАЕРДА?

• **ОЛМОНИЯНИНГ** Бавария ўлкасида пиво байрами ўтказилди. Бу ичимликнинг ишқибозлари ўша куни 6 миллион литр пивони «қўрдим» демай, паққос ичиб юбордилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

2—11 ноябрь кунлари

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунларида

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Цирк санъатининг барча жанрлари иштирокида икки бўлимдан иборат ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР

Томошалар 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 ноябрь кунлари соат 12 ва 15.00 да бошланади.

Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

Вилоят ҳокими ижроия маҳкамаси жамоаси вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Рустам Раҳбарович Акбаровга рафиқаси **Муҳаббат ҒУЛОММАҲМУДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика электр-тиббиёт техникуми томонидан 1994 йилда Эшбоева Райҳон Камоловна номига берилган 00263 сонли, 9907 рақами билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшмаси ташкилоти жамоа хўжалигининг фахрийси **Раҳмат Усмонович УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент туманидаги М. Фозилов номли жамоа хўжалиги жамоаси бошқарув раиси Сиддиқ Муҳаммаджоновга укаси **Юсуф МУҲАММАДЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АВТОПОЙГА—96

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА...

13 октябрь куни Пискент туманидаги «Жанубий» автомайдонида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Олимп» кубоги учун енгил автомобилларнинг халқали пойга мусобақаси бўлиб ўтди

ТЎҒРИСИ, шунча йил вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб, ўзимизда бунчалик маҳобатли автодром борлигини билмас эканман. Фурсатдан фойдаланиб, автомайдон бош директори Мирсобит Султонов билан мусобақа бошлангунига қадар бироз суҳбатлашдик.

— Автомайдон қурилиши аслида 1985 йилда бошланган эди, — дейди у, — умумий майдони 360 гектарни ташкил этадиган бу жой собиқ иттифоқ аҳамиятига молик қурилиш бўлиб, бу ерда асосан Русия автомобилларини ҳар хил параметрларда текшириб кўриш, иссиқ иқлимли, экологик ва тоғ шароитларида қандай ҳаракатланишини синаб кўриш мақсад қилиб қўйилган эди. Лекин, кейинчалик бу қурилиш ташлаб қўйилди.

Мустақил бўлганимиздан кейин иқтисодимизда катта ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилди. Русум бўйича машиналарни жаҳон бозорида сотиш учун унинг сертификация ҳужжати бўлиши лозим. Эндиликда бу автомайдон ўзбек атвомобилсозларига хизмат қилади.

Шу орада бош ҳакам В. Плесневичнинг овоз кучайтиргичдан берган командаси ҳаммани сергаклантирди. Барча техник назорат кўригидан ўтган спортчилар старт чизиғига таклиф этилди.

Шундай қилиб соат 12.00 да улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб республикамизда биринчи марта «Олимп» кубоги учун ўтказилаётган халқали автопойга мусобақаларига старт берилди. Мусобақа байроғини кўтариш узоқ йиллар автотспортнинг мазкур тури бўйича Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб келган Мурод Қаюмов ва Сергей Мукурдумовларга насиб этди.

Старт берилиши биланоқ машиналар гўёки реактив тезликда учиб кетишди. Қоида бўйича халқали пойгада спортчилар умумий ҳажми 7-8 километрдан зиёд бўлган халқали майдонни 16 марта айланиб чиқишлари шарт. Дастлаб 49-рақамда иштирок этаётган «Тошавтоспортсервис» вакили М. Қаюмов учта доирада пешқадамликни қўлдан бермай келди. Сўнгра, машина тезликни «кўтара олмай» сафдан чиқди. 13- ва 113-рақамларда иштирок этаётган спортчиларнинг ҳам омади чопмади. Улар ҳам пойгани давом эттиришдан маҳрум бўлишди. Ҳарқалай, 13 рақами — ўн учлигини қилди!

Мусобақада тўрт айланадан сўнг пешқадамликни ўзида мустаҳкам сақлаб қолган 44-рақамдаги «Олимп» қўшма корхонаси командасининг вакили, спорт усталигига номзод Сергей Кузнецовга ҳеч ким бас кела олмади. У бутун трасса бўйлаб бешикаст, ҳар томонлама усталик ва маҳорат билан ҳаракат қилиб, мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин Русия вакили Андрей Поповга, учинчи ўрин эса 77-рақамда иштирок этган «Ватанпарвар» республика спорт техника маркази вакили, спорт усталигига номзод Валерий Александровга насиб этди.

Автопойга мусобақаси бош ҳомийси «Шелл Интернешнл Петролиум Компани ЛТД» (АҚШ) фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Аҳмад Халилов ғолибларни қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирлади.

Шу тариқа республикамизда илк марта халқали пойга бўйича ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Мусобақа мутасаддилари спортнинг мана шу тури жозибали ўтганлигига катта саъй-ҳаракат кўрсатган автомайдон раҳбари Мирсобит Султоновга чин дилдан ташаккур билдиришди.

Биз аминмизки, бу автомайдон келажакда мамлакатимизда автоспортни ривожлантиришга хизмат қилади ва чинакам маънодаги энг нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиладиган майдонга айланади. Унда Ўзбекистон автомобиллари ҳам муносиб қатнашади.

Миржалол МИРАЛИЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



• *Суратларда: халқали пойга мусобақаларидан лавҳалар.*
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Футбол

ЯНА БИР ПОҒОНА ЮҚОРИ

- *«Нурафшон» ва «Пахтакор»нинг мағлубияти, «Дўстлик»нинг ғалабаси.*
- *Жаъфар Ирисметов ва Ойдин Алиевлар учтадан тўп киритишди.*
- *Футбол мутахассислари фикрлари*
- *Энди Кубок учун кураш бўлади*

ПЕШТОҚИГА «Атласчи» деб ёзилган автобус «Дўстлик» ўйингоҳига ўйин бошланишидан бир соат олдин етиб келди. Ундан бирин-кетин тушган мураббию, ўйинчилар саломлашиб, ўзлари учун ажратилган хона томон йўл олдилар. Фақат жамоа сардори, моҳир тўпурар Ойдин Алиев Тошкент вилояти спорт қўмитаси раиси Б. Ғофуров ва биз билан салом-аликдан сўнг, майдонни кўздан кечирди-да, бизга юзланиб, «Ҳафа бўлмайсизлар, бугун иккита тўп киритишга аҳд қилганман», деди табассум билан. Биз меҳмонга ҳалол курашда омад тиладик.

Олдиндан айтиб қўяқолай. «Атласчи» ҳужумчиси Ойдин Алиев «Дўстлик» билан бўлган ўйинда айтганидек иккита эмас, балки учта тўп киритиб, тўпурарлар баҳсида 21 та гол билан биринчи ўринга чиқиб олди. Бу ўйинчининг ҳар ерда ҳозирунозир бўлиши, вазиятни тўғри баҳолай олиши, имкониятдан эса моҳирлик билан фойдалана билиши оддий мухлис сифатида мени ром этди. «Дўстлик» ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов ҳам шу куни учта тўп муаллифи бўлди. Бироқ у яратилган имкониятларнинг ярмидан ҳам фойдалана олмади, боз устига ўн бир метрлик жаримани ҳам бой берди. «Дўстлик» — «Атласчи» учрашувида дарвозаларга 7 та тўп киритилди. 4:3 ҳисобида мезбонлар ғалабага эришдилар. Тўртинчи тўп муаллифи ҳимоячи С. Аҳмедов бўлди. БУ ғалабадан сўнг «Дўстлик» турнир жадвалида яна бир поғона юқори, тўртинчи ўринга чиқиб олди. «Нурафшон» жамоасининг Урганчда «Динамо»дан 0:3, «Пахтакор»нинг эса МҲСКдан 0:1 ҳисобида енгилиши «Дўстлик»ка қўл келди.

Учрашувдан сўнг «Дўстлик» бош мураббийси Маҳмуд Раҳимовни Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов, Ўзбекистон миллий терма жамоа бош мураббийси Баҳодир Иброҳимов ва бошқа мутахассислар қатори биз ҳам табрикладик. Ўйинни ўзаро қисқача таҳлил ҳам қилдик.

Баҳодир ИБРОҲИМОВ: Маҳмуд, йигитларингнинг ҳаракати, тўпни ушлаб туриши, бир-бирларига ошириши, қисқаси, «спартакча» усул менга ёқди. Аҳа шундай ўйнаш керак, натижа эса ўзи келаверади.

Зокир ҚУРБОНОВ: Яратилган имкониятлардан ҳам фойдалана олиш лозим. Профессионал футболчилар учун бундай хатолар кечирарли эмас.

27-турда «Машъал» устидан 5:0 ҳисобида ғолиб келган «Навбаҳор» олтин медаллар сари яна бир қадам ташлаган бўлса, «Нефтчи» Андижонда «Наврўз»дан 0:1 ҳисобида енгилиб, аҳволини оғирлаштирди. Уч тур қолганда орадаги фарқ яна олти очкога етди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Косонсой» — «Янгиер» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Динамо» (С) — 1:1, АСК — «Трактор» — 1:1.

«Навбаҳор» 69, «Нефтчи» 63, МҲСК 55, «Дўстлик» 49, «Нурафшон» 47, «Пахтакор» 45 очко билан 1—6 ўринларни эгаллаб туришибди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Ҳурматли футбол мухлислари. Сизларни эртага яна бир қизиқарли ўйинга таклиф этамиз. «Дўстлик» ўйингоҳида майдон эгалари билан «Нефтчи» ўртасида Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашуви бўлади. Ўйин соат 15.30да бошланади.

ҲАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

Тошкент ҳақиқати

ДУШАНБА, 21

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 21 октябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Изҳор».
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
22.00 **«Мозийдан садо».**
22.15 Диққат, премьера: А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
22.55 «Олам ва одам».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Морена Клара». Телесериал.
00.40 Тунги тароналар.
00.50–01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00–24.00 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Бир ўлка-ки».
8.55 «Саодатли сайёралар». Кинодастур.
9.40 «Бозор иқтисодиёти асослари». Иқтисодий шарҳ.
10.00 Янгиликлар.
10.05 **Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.** С. Пўлатов. **«Оқ сарой».** Шаҳрисабз халқ театрининг спектакли.
11.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
12.25 «Кудук», «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильмлар.
12.45 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кабутарларим». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
*
18.10 — 20.35
*
20.35 «Ўрмон манзаралари», «Беллашув». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 «Умид».
19.35 «Чинор».
20.05 «Жаҳон».
20.25 Эълонлар.
20.30 Мультфильм.
20.40 «Чирок».
20.50 «Шлягер».
21.05 Авторейд.
21.15 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.25 «Аёл».
21.55 «5+1». Хит-парад.
22.25 Тунги сеанс. «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Спорт-тайм».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 **Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.** «Маънавият булоқлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 А. Икромов, Ю. Исматова. **«Темурий маликалар».** «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
10.45 «Барака ёмғири». Мультфильм.
10.55 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
11.25 Инглиз тили.
11.55 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00–14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Доно бобо даврасида».
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 1-қисм.
22.00 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.20 «Замон».
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «Тафаккур».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10–00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50–00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тулки». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.35
*
20.35 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен учун ва сен ҳақингда». Ўсмирлар ва болалар учун ахборот дам олиш кўрсатуви.
19.20 «Айчурек».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.30 «Жилет-спорт».
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.45 «Америкага бир назар».
23.10 Эълонлар.
23.15 «ТВ IVда «Немис тўлқини».
23.40 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».
*
8.25 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 1-қисм.
9.05 Лирик концерт.
9.35 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Армон». Бадиий фильм.
11.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Куддус Муҳаммадий».
11.55 Болалар учун. **«Замон ардоқлайди Соҳибқиронни».**
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Шароф Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи». Видеофильм.
14.00–14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...»
18.30 «Сўз Сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.55 Туркия телевидениеси намойиш этади: **«Ассалом, Соҳибқирон!».**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Темурнома».**
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 2-қисм.
22.10 «Оҳанглар оғушида».
22.25 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 **«Соғлом авлод учун».** Темурийлар тарбиясининг бугунги авлод учун аҳамияти.
00.20 Тунги тароналар.
00.30–00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 Компьютер-Осиё.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Вейле» тақдим этади.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.25–00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хива гиламлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.35
*
20.35 Шарқ қўшиқлари.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультькарусель».
19.05 «Бизнен мирас» (татар тилида).
19.35 «Юлдузлар жилоси».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Ер сайёраси». БМТ юбилейига бағишланади.
20.35 «Тошкент оқшомлари».
21.05 «Марҳабо».
21.35 «ТВ IV канали эксклюзиви».
22.05 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 Эълонлар.
23.00 Қалб тароналари.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 2-қисм.
9.15 «Бир шаҳар бор дунёда...»
9.35 «Биз Сиз билан».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Довюрак рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
11.30 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамблларнинг телефестивали.
11.55 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
12.25 Эстрада тароналари.
12.55 «Маънавият» видеоканали.
14.00–14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — ғижингтоймиз».
18.35 **«Маърифатнома».**
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Бир қўшиқ ва бир ҳикоя. **«Темур бобо».** Комилжон Баротов ижро этган.
21.45 **«Темурнома».**
22.00 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 3-қисм.
22.40 «Тараддуд».
22.55 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.15 Бир жуфт қўшиқ.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Навбаҳор».
00.40 Тунги тароналар.
00.50–01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 «Уфқлар». 1-қисм. Муқаддима.
19.05 «Манбалар». 1-қисм. Самарқанддан видеофильм.
19.15 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Уфқлар». 2-қисм. «Йўл қийин эди».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Манбалар». 2-қисм. Самарқанддан видеофильм.
21.10 «Уфқлар». 3-қисм.
21.30 «Олтин кент».
21.40 «Курьер». Махсус сони.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40–00.20 «Кинонигоҳ».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Нафосат оламида». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.05 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Телефильм (Япония).
19.30 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эллада».
21.20 «Каталог».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Доктор Жулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».
*
8.25 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 3-қисм.
9.05 Кекса санъаткорлар концерти.
9.30 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
10.25 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
11.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: **«Амир Темур дурдоналари».**
11.35 ЎзТВ хазинасидан. Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Нурафшон».
14.00–14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.20 **«Озодлик ва Амир Темур».** Видеоклип.
18.30 **«Йигит омон бўлса...».** Аскарлар ҳақидаги Темур таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти.
18.50 Табрик.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Озодлик ва Амир Темур».** Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 **«Темурнома».**
21.45 Табрик.
21.55 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 4-қисм.
22.35 **«Хуш келибсиз!»** Темур юбилейига келган хорижий меҳмонлар билан учрашув.
23.00 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
00.30 «Эртага — шанба». Махсус сони.
00.55 Эстрада, эстрада, эстрада...
01.25–01.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Гўзалликда танҳо Ватаним!»
9.25 «Ёшлик, сени ким севмаган».
9.35 «Беш халқа олқишлари».
9.40 «Бир қўлингда қиличинг бўлсин!»
9.50 «Бир қўлингда иймонинг бўлсин!»
10.00 «Беш ҳалқа олқишлари».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.35 «Турон — аждодлар мероси».
10.40 «Таманно».
10.50 Табиат шифохонаси.
11.00 Видео янгиликлари.
11.20 Видео — «О».
13.00–14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.20 «Бор эканда, йўқ экан...» Тарихий мультфильм.
18.30 «Кинохроника». Ф. Хўжаев.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Темур ҳикматлари».** Видеоклип.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Сиздан ишорат...». Ўзбек классик мусиқаси.
22.00 **«Камолот»** (Амир Темур мероси).
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00–23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аттракцион» мамлакатига саёҳат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.15 — 20.35
*
20.35 «Мусиқа — ҳамма учун».
21.00 «Мактуб». Телесериал. 3-серия.
21.50 «Шаҳрисабз». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Уй остонадан бошланади».
19.15 **Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган саҳналаштирилган томошалар.**
20.50 **«Коинот».** Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Замандас».
22.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Рангинкамон».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 26

I

«АССАЛОМ, СОҲИБҚИРОН!» Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар соат 6.30 дан бошланади.

II

Соат 6.30 дан ЎзТВ I дастури кўрсатувларини тинглаб, томоша қиласиз.

III

17.15 Дастурнинг очилиши.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Мактуб». Телесериал. 4-серия.
*
Россия давлат телевидениеси
22.30 «Вести».
*
23.00 — 23.10 «Оловда тобланган темир». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги».
10.00 Эълонлар.
10.05 «Спектаклдан сўнг».
10.30 «Польша билан учрашув». «Юные дарования Узбекистана» оркестри.
10.55 «Клип-танаффус».
11.00 «Италия вернисажи». Милан (такрор.).
11.20 Кинонинг олтин асри. «Уч юз спартанликлар». Бадиий фильм.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Ракслар қанотида».
21.00 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Бу ажиб дунё».
21.20 «Тақдирлар». Қориёқубов.
21.50 «Жилет-спорт».
22.20 **«Адабий театр».** Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланади.
22.30 Кинонинг олтин асри. «Графиня Коссель». 1-серия (Польша).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00–8.25 «Ахборот».
*
8.25 А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 5-қисм.
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.05 «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз!».
11.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 13-қўй.
12.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.55 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
13.55–14.25 «Пойтахт концерт залларида».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
18.20 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Табаррук қадамжолар». 4-кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Диққат, премьера: А. Орипов. **«Соҳибқирон».** Видеофильм. 6-қисм.
22.05 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 14-қўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25–00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Олтин кент».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15–14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.40 «Дармон».
18.50 «Таманно».
19.00 Мулоҳаза учун мавзу.
19.20 Дилором наволар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.15 Якшанба лавҳаси.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис-ТВ 2».
21.20 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео — «О».
00.20–00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 22.20
*
22.20 Эълонлар.
22.25 «Мактуб». Телесериал. 5-серия.
23.15 — 23.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 Эълонлар.
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парл ву франсэ?».
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.05 «Иштирок этувчилар».
13.35 Эълонлар.
13.40 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
14.20 «Мультэкран».
14.40 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
15.10 Киносалон. «Хизматкор». Бадиий фильм.
16.50 «Телеташриф».
17.00 «Мусиқий танаффус». Крис Де Бруг.
17.25 «Мультькарусель».
17.40 «Туризм-ревю».
*
18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.
*
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мусиқий Олимп».
20.00 «ТВ IVда етти кун».
20.15 «Биргалашиб куйлайлик».
21.00 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
21.15 «Менинг ҳур ўлкам». Бетараф Туркманистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланади.
21.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
22.05 Киносалон. Жина Дэвис ва Мэтью Модайн «Каллакесарлар ороли» фильмида (АҚШ).
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0566. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8647 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 22.00. 1 2 3 4 5 6